“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти бошлиғи полковник
М.Х.Рустамбаев
2020 йил “20” 02

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи генерал-лейтенант
Б.А.Матлюбов
2020 йил “20” 02

Тошкент шахри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Терроризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедраси ўртасида
ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил ПҚ-3216-сон “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бир томондан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси ва иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Терриризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедраси (кейинги ўринларда – Томонлар) ўқув жараёни, илмий-тадқиқот, илмий-услубий, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишларни самарали ташкил этишни такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қиладилар.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР:

1.1. Томонларда таълим - тарбия ва илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, уларнинг меъёрий-услубий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ўқув-ташкилий ва ахборот-ресурс таъминоти сифатини ошириш, курсант ва тингловчиларга берилаётган назарий билимлар ва амалий кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ушбу шартноманинг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади.

1.2. Томонларнинг ўзаро келишуви амалдаги қонунчилик асосида амалга оширилади.

1.3. Кафедралар ўртасидаги ҳамкорлик тўғридан-тўғри амалга оширилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

2.1. Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи органлар тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича илмий изланиш ва тадқиқотларни амалга ошириш;

2.2. Илмий-амалий муаммолар базасини шакллантиришда томонларнинг илмий салоҳиятидан, ахборот-ресурс имкониятларидан самарали фойдаланиш;

2.3. Илмий изланиш ва тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ва долзарб мавзулар базасини шакллантириш ҳамда янгилаб бориш;

2.4. Илмий-технологик муаммоларни тадқиқ қилишга қаратилган инновацион, амалий ва фундаментал тадқиқот лойиҳаларида иштирок этиш;

2.5. Илмий тадбирлар (конференция, давра суҳбати, илмий-методик семинар ва илмий семинар ва бошқ.) ташкил этиш;

2.6. Монографиялар, ахборот-таҳлилий ва илмий-амалий материаллар, илмий мақолалар ва бошқаларни тайёрлаш ҳамда чоп этиш;

2.7. Тайёрланган илмий адабиётлар, илмий ишлар, илмий тўпламлар, методик материаллар ва бошқа материалларга тақриз бериш ҳамда илмий таҳрир қилиш;

2.8. Илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

2.9. Илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларга илмий маслаҳатчилик қилиш;

2.10. Илмий-тадқиқот ҳамда илмий-услубий ишлар билан боғлиқ маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1. Махсус ҳуқуқий фанлар кафедрасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1.1. Терриризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедрасида ўқув жараёни, илмий-тадқиқот, илмий-услубий, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишларни самарали ташкил этишни такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

3.1.2. Терриризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедрасининг профессор-ўқитувчилари, иқтидорли курсантларини илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этишга, курсантлар илмий-тадқиқот ишлари натижаларини Институтнинг Ахборотномаси ва бошқа илмий манбааларида чоп этишга кўмаклашиш;

3.1.3. Давлат таълим стандартлари асосида Терриризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедраси томонидан тайёрланадиган ўқув режалари, дастурларини экспертизадан ўтказиш, тақризлар бериш, ўқув адабиётлари, ўқув-услубий қўлланмалар ва ўқув-дидактик материаллар ишлаб чиқиш ва уларни ўқув жараёнига жорий этишда тегишли ташкилий-услубий ёрдам бериш;

3.1.4. Томонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

3.1.5. Терриризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедраси профессор-ўқитувчиларини, хусусан, ёш иқтидорли педагогларни илмий изланувчанлик жараёнига фаол жалб этиш мақсадида, кафедра ўқитувчиларини илмий-тадқиқот билан шуғулланишлари ва келгусида фалсафа доктори (PhD), фан докторлари (DSc) тайёрлашга (жумладан мақсадли асосда), уларнинг илмий мақолаларини Институтнинг илмий журнали ва бошқа илмий манбааларида чоп этишга кўмаклашиш;

3.1.6. Терриризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедраси ўқитувчилари ва курсантларига Институт ахборот-ресурс марказидан фойдаланишга имконият яратиш;

3.1.7. Академияда илмий-услубий, илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этишга, Академиянинг халқаро ўқув ва илмий-тадқиқот алоқаларини

ривожлантиришга, профессор-ўқитувчилар, курсантларни халқаро илмий ва ўқув грантларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

3.1.8. Терриризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедраси таклифига мувофиқ Махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчиларини Академияда ўтказиладиган Якуний Давлат аттестациялари аъзолиги (раислиги)га юбориш;

3.1.9. Терриризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедрасининг ёзма сўров хатига асосан ўтказиладиган маъруза, амалий ва "очиқ дарс" машғулотларига Институтнинг тегишли кафедралари профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларини юбориш;

3.1.10. Терриризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедрасининг ахборот-ресурс таъминоти ва моддий-техник салоҳиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, Институтнинг ахборот-ресурс маркази ва бошқалардан Терриризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедраси учун фойдаланишга имконият яратиш.

3.2. Терриризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедрасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.2.1. Махсус ҳуқуқий фанлар кафедрасида ўқув жараёни, илмий-тадқиқот, илмий-услубий, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишларни самарали ташкил этишни такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

3.2.2. Махсус ҳуқуқий фанлар кафедрасининг профессор-ўқитувчилари, иқтидорли курсантларини илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этишга, курсантлар илмий-тадқиқот ишлари натижаларини Академиянинг илмий Ахборотномаси ва бошқа илмий манбааларида чоп этишга кўмаклашиш;

3.2.3. Давлат таълим стандартлари асосида Махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси томонидан тайёрланадиган ўқув режалари, дастурларини экспертизадан ўтказиш, тақризлар бериш, ўқув адабиётлари, ўқув-услубий қўлланмалар ва ўқув-дидактик материаллар ишлаб чиқиш ва уларни ўқув жараёнига жорий этишда тегишли ташкилий-услубий ёрдам бериш;

3.2.4. Томонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

3.2.5. Махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиларини, хусусан, ёш иқтидорли педагогларни илмий изланувчанлик жараёнига фаол жалб этиш мақсадида, кафедра ўқитувчиларини илмий-тадқиқот билан шуғулланишлари ва келгусида фалсафа доктори (PhD), фан докторлари (DSc) тайёрлашга (жумладан мақсадли асосда), уларнинг илмий мақолаларини Академиянинг илмий журнали ва бошқа илмий манбааларида чоп этишга кўмаклашиш;

3.2.6. Махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчилари ва курсантларига Академия ахборот-ресурс марказидан фойдаланишга имконият яратиш;

3.2.7. Институтда илмий-услубий, илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этишга, Институтнинг халқаро ўқув ва илмий-тадқиқот алоқаларини шакллантириш ва ривожлантиришга, профессор-ўқитувчилар, курсантларни халқаро илмий ва ўқув грантларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

3.2.8. Махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси таклифига мувофиқ Академия профессор-ўқитувчиларини Инситутда ўтказиладиган Якуний Давлат аттестациялари аъзолиги (раислиги)га юбориш;

3.2.9. Махсус ҳуқуқий фанлар кафедрасининг ёзма сўров хатига асосан

ўтказиладиган маъруза, амалий ва “очиқ дарс” машғулотларига Академиянинг тегишли кафедралари профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларини юбориш;

3.2.10. Махсус ҳуқуқий фанлар кафедрасининг ахборот-ресурс таъминоти ва моддий-техник салоҳиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, Академиянинг ахборот-ресурс маркази ва бошқалардан Махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси эҳтиёжлари учун фойдаланишга имконият яратиш.

4. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ:

Ушбу шартнома қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

4.1. Томонларнинг ўзаро розилиги билан;

4.2. Шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда томонлардан бирининг ташаббуси билан;

4.3. Амалдаги қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолатларда.

5. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР:

5.1. Шартномада молиявий мажбуриятлар кўзда тутилмаган;

5.2. Шартнома ҳар икки томон имзолаган кундан бошлаб амал қилади;

5.3. Шартнома 5 (беш) йил муддатга тузилган бўлиб, икки томоннинг розилиги билан узайтирилиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН МАСЪУЛ ШАХСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи в.в.б., ю.ф.д., доцент, капитан

М.М.Нурматов

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Терриризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., доцент, полковник

Б.Э.Закиров

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти. 100109, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу қўрғони 1/1.
Тел.: (99871) 230-32-82
Факс: (230-32-50).

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 100197, Интизор кўчаси, 68-уй.
Тел.: 265-99-75, 265-22-52(навб.)
Факс: 265-17-53
Тел.: 265-17- 47

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи генерал-лейтенант
Б.А. МАТЛЮБОВ
2018 йил «18» июнь

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий техника институти бошлиғи полковник
М.Ш. РУСТАМБАЕВ
2018 йил «18» июнь

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси «Криминология» кафедраси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техника институти «Махсус ҳуқуқий фанлар» кафедраси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида
КЕЛИШУВ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3216-сон «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларни иссиқ изидан очиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш бу борада зарур билим ва амалий кўникмага эга юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ушбу келишув тузилди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1. Келишувда белгиланган вазифаларни бажариш жамоатчилик асосида ташкил этилади ҳамда моддий ҳаражатларни келтириб чиқармайди.

2. Тарафларнинг ёзма ёки оғзаки мурожаати келишувга кўра белгиланган вазифаларни бажариш учун асос ҳисобланади.

3. Ҳамкорликни амалга ошириш бўйича келишув тасдиқланган кундан кучга киради.

II. ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

4. Тарафлар илмий-техник, ахборот-ресурс ва интеллектуал имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда қўйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

тажрибали мутахассисларни ўқув машғулотларига, илмий-тадқиқот ишларига, хусусан докторлик диссертацияси устида изланиш олиб боришга жалб қилиш;

илмий тадбирлар, хусусан конференция, давра суҳбати, семенар ва учрашувларни ташкил қилиш;

тажриба алмашиш учун ходимларнинг стажировка ўташини ташкил этиш;

фундаментал ва амалиётга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш;

соҳани такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

илмий, ўқув-услубий адабиётлар, хусусан қўлланмалар ва методик тавсиялар тайёрлаш, тайёрланган адабиётларга тақриз ва хулосалар бериш;

қўлланмалар, методик тавсиялар, статистик, таҳлилий ҳисоботлар ва бошқа зарур маълумотларни ўзаро алмашиш.

5. Тарафлар қонун ҳужжатларга мувофиқ бошқа масалалар бўйича ҳам ҳамкорлик қилиши мумкин.

III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

6. Кешувга тарафларнинг розилигига биноан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7. Ҳамкорлик юзасидан келиб чиқадиган барча масалар ўзаро келишув асосида ҳал этилади.

8. Келишувнинг амал қилиш муддати чекланмайди. Келишув тарафларнинг бирининг ташаббуси билан бекор қилиши мумкин.

9. Келишув икки нусхада давлат тилида тузилди, унинг биринчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси «Криминология» кафедрасида, иккинчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техъника институти «Махсус ҳуқуқий фанлар» кафедрасида сақланади.

Ички ишлар вазирлиги Академияси Криминология кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор

Қ.Р. АБДУРАСУЛОВА

2018 йил «05» июнь

Миллий гвардия Ҳарбий техника институти бошлиғи полковник Махсус фанлар кафедраси бошлиғи, полковник

А.А. ИБРАГИМОВ

2018 йил «__» _____

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти бошлиғи
полковник
М.Х.Рустамбаев
2017 йил “__” _____

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи
генерал-лейтенант
Б.А.Матлюбов
2017 йил “____” _____

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти “Махсус ҳуқуқий фанлар” кафедраси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Дастлабки тергов ва криминалистика”, “Криминалистик экспертизалар”, “Терроризм ва одам савдосига қарши курашиш”, “Тезкор-қидирув ҳуқуқи фаолияти”, “Криминология” кафедралари ўртасида ўзаро

Ҳ А М К О Р Л И К Ш А Р Т Н О М А С И

Мазкур шартнома бир томондан Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти (кейинги ўринларда – Институт) “Махсус ҳуқуқий фанлар” кафедраси ва иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси (кейинги ўринларда – Академия) “Дастлабки тергов ва криминалистика”, “Криминалистик экспертизалар”, “Терроризм ва одам савдосига қарши курашиш”, “Тезкор-қидирув ҳуқуқи фаолияти”, “Криминология” кафедралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида тузилмоқда.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ-1990-сонли “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тузилмоқда.

2. **Ушбу шартноманинг асосий мақсади** – Институтда ўқув жараёни, ўқув-услубий, маънавий-маърифий, ташкилий-услубий ва илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этишни такомиллаштириш ва ривожлантириш, жаҳон таълим стандартларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, малака ошириш, тажриба алмашиш, услубий ёрдам кўрсатиш,

масофавий таълимни жорий қилиш, ҳамкорлик қилувчи томонларнинг илмий, амалий, таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш, ахборот (электрон) - кутубхона фонди ва бошқа ресурсларидан манфаатли фойдаланиш, фан ва амалиёт соҳаларини ўзаро интеграциясини таъминлаш, инновацион услубларни тадбиқ этиш, қўшма анжуманлар ўтказиш (илмий, амалий ва бошқ.), мақолалар (маърузалар, ўқув қўлланмалар ва бошқ.), электрон журналлар ва тўпламларни нашр этиш, илмий ишларни ташкил этиш борасида ҳамкорлик қилишдан иборат.

Академия томонидан илмий-услубий, ташкилий ва амалий ҳамкорлик кўрсатиш масалаларини мувофиқлаштириш ушбу шартноманинг предмети бўлиб ҳисобланади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3. Томонлар илмий-техник ва интеллектуал имкониятларни бирлаштирган ҳолда қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиладилар:

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича илмий изланиш ва тадқиқотларни амалга ошириш;

илмий-амалий муаммолар базасини шакллантиришда томонларнинг илмий салоҳиятидан, ахборот-ресурс ва интеллектуал мулк имкониятларидан самарали фойдаланиш;

илмий изланиш ва тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ва долзарб мавзулар базасини шакллантириш ҳамда янгилаб бориш;

илмий-технологик муаммоларни тадқиқ қилишга қаратилган инновацион корпоратив гуруҳларда иштирок этиш;

илмий тадбирлар (конференция, давра суҳбати, илмий-методик семинар ва илмий семинар ва бошқ.) ташкил этиш;

монографиялар, ахборот-таҳлилий ва илмий-амалий материаллар, илмий мақолалар ва бошқаларни тайёрлаш ҳамда чоп этиш;

тайёрланган илмий адабиётлар, илмий ишлар, илмий тўпламлар, методик материаллар ва бошқа материалларга тақриз бериш ҳамда илмий таҳрир қилиш;

илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларга илмий маслаҳатчилик қилиш;

илмий-тадқикот ҳамда илмий-услубий ишлар билан боғлиқ маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш.

III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5. **Институтнинг мажбуриятлари:**

Академия ва Институт ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

Институт “Махсус ҳуқуқий фанлар” кафедрасидаги ўқув жараёни, ўқув-услубий, ташкилий-услубий ва илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Академия томонидан сўралган ҳужжатлар ва материалларни ўз вақтида етказиб бериш;

Ҳамкорликда яратилаётган ўқув адабиётлари, ўқув-услубий қўлланмалар ва ўқув-дидактик ишланмаларни Институт ўқув жараёнига тадбиқ этилишини ўрганиш ва уларни янада такомиллаштириш мақсадида Академия профессор-ўқитувчиларини турли ишчи гуруҳлар ва комиссиялар таркибига жалб этиш;

Академиянинг малакали ходимларини, профессор-ўқитувчиларини Институтда ўтказиладиган тарғибот тадбирларига (давра суҳбатлари, семинар, конференциялар ва бошқ.), ўқув жараёнига (маъруза, амалий ва бошқа машғулотлар ўтказишга) таклиф этиш;

Академия профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларини “очиқ дарс” машғулотларини ўтказишга таклиф этиш;

Академия профессор-ўқитувчиларини Институтда ўтказиладиган Якуний Давлат аттестациялари аъзолиги (раислиги)га таклиф этиш;

Академияда ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш.

5. **Академиянинг мажбуриятлари:**

Институт ва Академия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

Институтда ўқув жараёни, ўқув-услубий, маънавий-маърифий, ташкилий-услубий ва илмий-тадқиқот фаолиятни ташкил этиш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга илмий-услубий, ташкилий ва амалий ёрдам бериш;

Давлат таълим стандартлари асосида Институт “Махсус ҳуқуқий фанлар” кафедраси томонидан “Махсус вазифаларни бажариш қўшинларининг тактик қўмондонлиги” (юрист), “Қўшинлар махсус қисмларининг тактик қўмондонлиги” (юрист) мутахассисликлари бўйича тайёрланадиган ўқув режалари, дастурларини экспертизадан ўтказиш, тақризлар бериш, ўқув адабиётлари, ўқув-услубий қўлланмалар ва ўқув-дидактик материаллар ишлаб чиқиш ва уларни ўқув жараёнига жорий этишда тегишли ташкилий-услубий ёрдамлар бериш;

Институт “Махсус ҳуқуқий фанлар” кафедраси профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, хусусан, уларнинг илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация воситаларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

Институтнинг иқтидорли курсантларини излаб топиш, танлаш ва уларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этишга, курсантлар илмий-тадқиқот ишлари натижаларини Академиянинг илмий журнали ва бошқа илмий манбааларида чоп этишга кўмаклашиш;

Институт ўқитувчиларини, хусусан, ёш иқтидорли педагогларни илмий изланувчанлик жараёнига фаол жалб этиш мақсадида, кафедра ўқитувчиларини илмий-тадқиқот билан шуғулланишлари ва келгусида фалсафа доктори (PhD), фан докторлари (DSc) тайёрлашга (жумладан мақсадли асосда), уларнинг илмий мақолаларини Академиянинг илмий журнали ва бошқа илмий манбааларида чоп этишга кўмаклашиш;

Институт ўқитувчилари ва курсантларига Академия ахборот-ресурс марказидан фойдаланишга имконият яратиш;

Институтда илмий-услубий, илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этишга, Институтнинг халқаро ўқув ва илмий-тадқиқот алоқаларини шакллантириш ва ривожлантиришга, профессор-ўқитувчилар, курсантларни халқаро илмий ва ўқув грантларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

Институт таклифига мувофиқ Академия профессор-ўқитувчиларини Инситутда ўтказиладиган Якуний Давлат аттестациялари аъзолиги (раислиги)га юбориш;

Институтнинг ёзма сўров хатига асосан ўтказиладиган маъруза, амалий ва "очиқ дарс" машғулотларига Академиянинг тегишли кафедралари профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларини юбориш;

Институтнинг ахборот-ресурс таъминоти ва моддий-техник салоҳиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, Академиянинг Ахборот-ресурс маркази ва бошқалардан Институт эҳтиёжлари учун фойдаланишга имконият яратиш.

IV. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШИ ВА МУДДАТИ

6. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради;

7. Шартнома 5 (беш) ўқув йили давомида амал қилади. Шартнома муддати тугашидан бир ой олдин томонлардан бири ушбу шартноманинг амал қилишини якунлаш хақида ёзма равишда эълон қилмаса, шартнома ўз-ўзидан кейинги 5 (беш) ўқув йилига узайтирилган ҳисобланади.

V. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

8. Томонларнинг ўзаро розилиги билан;

9. Шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда томонлардан бирининг ташаббуси билан;

10. Амалдаги қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11. Шартномада томонларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари назарда тутилмаган;

12. Шартноманинг шарҳланиши ёки қўлланилиши бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан амалга оширилади;

13. Мазкур шартномани бажариш жараёнида ўзаро ҳамкорликнинг бошқа шакллари бўйича зарурат туғилганда, улар томонларнинг ўзаро келишувига асосан шартномага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан ҳал этилади;

14. Шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга ҳисобланади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти, 100109, Зангиота тумани, Чорсу қўрғони.
Тел.: 230-32-71, Факс: 230-32-50

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 100197, Интизор кўчаси, 68-уй.
Тел.: 265-99-75, Факс: 265-17-53

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти "Махсус ҳуқуқий фанлар" кафедраси бошлиғи
подполковник
К.О.Махмудов
2017 йил "____"_____

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси "Дастлабки тергов ва криминалистика" кафедраси бошлиғи, ю.ф.д., доцент,
полковник
Д.М.Миразов
2017 йил "____"_____

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси "Криминалистик экспертизалар" кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., доцент,
подполковник
Т.Б.Маматқулов
2017 йил "____"_____

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси "Терроризм ва одам савдосига қарши курашиш" кафедраси бошлиғи, ю.ф.н.,
полковник
Б.Э.Закиров
2017 йил "____"_____

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси "Тезкор-қидирув ҳуқуқи фаолияти" кафедраси бошлиғининг ўринбосари
майор
Ф.А.Базаров
2017 йил "____"_____